

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги  
томонидан интеллектуал мулк объектларининг контрафакт нусхалари  
реализациясига қарши олиб борилган амалий чора-тадбирлар ҳақида  
МАЪЛУМОТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорининг **интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш** (2-банд, учинчи хатбоши), **жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш** (2-банд, бешинчи хатбоши) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июлдаги 609-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ **интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш** (10-банд, 3-кичик банд, еттинчи хатбоши) вазифалари юклатилган.

Ушбу қонун ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ўтган 2019 йил давомида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 5 февралдан 27 июнига қадар республиканинг барча ҳудудларида Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий органлари билан ҳамкорликда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, контрафакт маҳсулотларга қарши курашиш бўйича амалий чора-тадбирлар ташкил этилган.

Ўтказилган тадбирлар давомида **158** та ҳолатда бошқа ҳуқуқ эгаларига тегишли бўлган ҳамда уларнинг рухсатсиз тайёрланган CD/DVD дисклар сотилаётганлиги аниқланди.

*Маълумот учун: ушбу тадбирлар давомида Тошкент шаҳри, Наманган ва Хоразм вилоятларида энг кўп миқдорда аудиовизуал маҳсулотларнинг контрафакт нусхалари савдоси йўлга қўйилганлиги аниқланган.*

Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида Агентлик масъул ходимлари томонидан таълим муассалари, давлат органлари ва ташкилотларида ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Республика бўйлаб лицензиясиз сотилаётган CD/DVD савдосига чек қўйиш бўйича ***тарғибот-ташқивот ишлари*** олиб борилди.

2019 йилнинг иккинчи ярим йиллиги давомида муаллифлар томонидан яратилган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича ишлар янги ёндашув ва юқори савия билан амалга оширилди.

Хусусан, 2019 йилнинг июль-декабрь ойлари давомида Агентлик томонидан ўтказилган кузатишлар натижасида республика миқёсида **132** та ҳолатда муаллифлик ҳамда турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқлари бошқа шахслар томонидан бузиб келинганлиги, уларнинг ижодий фаолият натижалари ҳеч қандай лицензияларсиз реализация қилинганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ўтказилган **16** та назорат тадбирлари бўйича **19,2** млн. сўмлик **3228** донаноконуний сотилаётган аудиовизуал дисклар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши таъминланди.

Шунингдек Агентлик томонидан ўтказилган кузатувлар натижасида аниқланган қонунбузарликлар, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш учун ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича умумлаштирилган материалларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юборилди. Мазкур умумлаштирилган материаллар асосида жами **398** та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, шулардан **484.3** млн. сўмлик аудиовизуал дисклар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

*Маълумот учун: 2019 йилнинг иккинчи ярим йиллиги давомида Тошкент шаҳри, Қашқарадрё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида контрафакт аудиовизуал нолицензион маҳсулотлар савдоси авж олган.*